

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 14 ноябрь, № 236 (7466) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 ноябрь куни Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференцияси тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**





Учрашувда давлатимиз раҳбари энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни илгари суришда Ўзбекистоннинг етакчи ва ишончли шериги бўлмиш ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан ўзаро манфаатли муносабатлар ривожланиш динамикасини катта мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш сифати ва амалга ошириш суръати сезиларли даражада ортгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик юртимиз иқтисодиётининг барча устувор тармоқларини қамраб олган ҳолда амалга оширилган ва давом этаётган, умумий қиймати қарийб 8 миллиард долларлик 60 дан зиёд лойиҳаларни ўз ичига олади. Банкнинг 2019 — 2023 йилларда Ўзбекистон билан шерикликни кенгайтириш бўйича молиялаштириш ҳажми 5 миллиард доллардан ошадиган янги стратегияси қабул қилинди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Мамлакатимизда ирригация-дренаж ва автомобиль йўллари инфратузилмасини модернизация қилиш, жумладан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалаларга доир узоқ муддатли стратегик ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратилди.

Минтақавий миқёсдаги, аввало, транспорт йўлакларини ривожлантириш, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича лойиҳаларни илгари суриш устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Осиё тараққиёт банки раҳбари Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бугунги даражаси ва самарадорлигини юксак баҳолади, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Такехико Накао банк бундан буён ҳам юртимизнинг барқарор тараққиёти ва равнақи йўлидаги мақсад ва вазифаларга эришишда асосий шерик бўлиб қолиш истагида эканини билдирди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 ноябрь куни чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида замонавий ёндашув асосида соҳани модернизация қилиш бошланди. Шунингдек, 7 ноябрь куни Президентимизнинг "Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

— Ҳудудларимиз салоҳиятидан тўғри фойдаланиб, қаерга нима экиш, қайси чорва турини етиштириш, қўшимча қиймат занжирини яратиш орқали бозорларимизда гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини кўпайтириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ва даромадни ошириш бўйича, афсуски, самарали тизим мавжуд, деб айта олмаймиз, — деди йиғилиш аввалида Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда чорва озуқасига бўлган талаб 120 миллион тоннани ташкил этади, аммо ўтган йили атиги 47 миллион тонна озуқа жамғарилиб, эҳтиёж 40 фоизга қондирилган.

Бутун дунёда чорвани озиқлантиришда, асосан, силос ва омихта ем ишлатилади. Янгийўл туманида такрорий экин сифатида маккажўхорининг интенсив навидан гектарига 50 — 60 тонна силос олинган ва унинг 1 килограммининг таннархи бор-йўғи 150 сўмни ташкил этган. Ваҳолонки, 1 килограмм шелуханинг бозордаги нархи 2 минг сўмдан ошади. Яъни шрот-шелухага нисбатан 10 баробар арзон озуқани бемалол чорвадорларнинг ўзи етиштирса бўлади.

Чорва учун озуқа навли буғдойдан гектарига 100 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бироқ жойларда озуқа-ем танқислигини қоплаш чораларини кўриш ўрнига озуқабоп экин ерларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари танқид қилинди.

— Сирдарё вилоятида 16 минг гектар, Тошкент вилоятида 8,5 минг гектар экин майдони ғалладан кейин бўш турганини қандай изоҳлаш мумкин? — дея савол билан мурожаат қилди Президент.

Шу йилнинг ўтган 10 ойида хориждан қарийб 100 миллион долларлик зотли ва гўшт учун қорамол импорт қилинди. Шуning учун, қўшимча озуқа базасини яратиш мақсадида чорвадорларга ер бериш, тўғри экин турларини экиш борасида топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, паррандачиликда ҳам шунга ўхшаш муаммолар мавжуд. Мисол учун, озуқанинг 70 — 75 фоизи импорт ҳисобига таъминланиб, жорий йилнинг 10 ойида 80 миллион долларга 160 минг тонна соя ва кунгабоқар шроти, 14 миллион долларга 80 минг тонна маккажўхори импорт қилинган. Тармоқ корхоналарига бу йил озуқа учун 137 минг гектар ўрнига амалда 5 минг гектар ер берилган, холос.

Чорвачилик соҳасида ечимини топмай келаётган долзарб муаммолардан бири наслчиликдир. Қайд этиш жоизки, маҳаллий чорва моллари 20 минг сўмлик озуқа-ем билан кунига 900 грамм тирик вазн олса (500 грамм гўшт), зотли моллар 1 килограмм 600 грамм (900 грамм гўшт) вазн олади.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги "Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3900-сон қарорига мувофиқ:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши** (кейинги ўринларда — Кенгаш) тузилсин.

2. **Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

илғор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларга рақобатбардош экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашиш;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий компаниялар, банклар, инвестиция ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, республикада қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини сақлаб туришни таъминлаш;

давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга қаратилган самарали таклифларни ишлаб чиқиш;

экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга, савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини изчил ривожлантиришга, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шароитлар яратишга, самарали транспорт йўлаклари, замонавий логистика занжирини шакллантиришга кўмаклашиш;

**(Давоми 2-бетда).**

Такехико НАКАО:

# ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

*Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг амалга оширилаётган лойиҳалар ва ҳамкорлик истиқболлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашни давом эттиришига оид масалаларни муҳокама қилдик.

Давлатингиз раҳбарининг мамлакатни ислоҳ этиш йўлида қатъий ва астойдил олиб бораётган сиёсатини юқори баҳолаймиз. Мамлакатингизда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, макроиқтисодий тизимни ислоҳ этишдаги ташаббус эътиборга молик. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда иқтисодий муҳит тобора яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан транспорт инфратузилмаси, энергетика, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги ислоҳотларни амалга оширишда техникавий ва молиявий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат. Бу саноатни ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Мамлакатингиз туризм соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга.

Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари жуда кенг. Биз юртингизда амалга оширилаётган муҳим иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

**ЎзА мухбири**
**М. ЭЛМУРОДОВ**
**ёзиб олди.**

# «БИР САЙЛОВЧИ — БИР ОВОЗ» ТАМОЙИЛИ

## замонавий АКТ ёрдамида таъминланади

*Юртимиз сайлов тизимидаги муҳим янгиликлардан бири, бу — сайлов жараёнларига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши билан боғлиқ. Марказий сайлов комиссияси Ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Ҳасан АБДУРАҲМОНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.*

— Сайлов кодексидан ўрин олган янги қоида ҳамда нормаларни санасангиз, ўттиздан ошади, — дейди суҳбатдошимиз. — Улар орасида сайлов ҳуқуқлари бўйича етакчи мутахассислар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам "инновацион ўзгариш" деб эътироф этаётган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) илк бор амалиётга жорий қилинаётганидир. Эндиликда барча сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиб, улар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтидан (**www.elections.uz**) зарур маълумотларни олиши мумкин.

Миллий сайлов тизимидаги бу муҳим ўзгаришларни изчил ва тизимли равишда амалга оширишда Президентимизнинг 2018 йил 4 октябрдаги "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш жоизки, Марказий сайлов комиссияси мутахассислари тегишли давлат ташкилотлари — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Мудофаа вазирликлари, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда СЯЭРни жорий этиш учун фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, уйма-уй юриб, сайловчилар рўйхатга олинди ва ҳар бир сайловчи тураржой кадастр рақамига бириктирилди.




Бундан мақсад — халқаро андозалардаги "Бир сайловчи — бир овоз" тамойилини тўлиқ ва бехато амалга оширишдан иборат. Дейлик, бирор сайловчининг яшаш жойи ўзгарса, бошқа ерда вақтинчалик рўйхатдан ўтса, бу ўзгариш СЯЭРда ўз аксини топади. Сайловчининг фақат бир жойда бир марта овоз беришига хизмат қилади.

3

«Обод марказ» дастури — амалда

# КОСОНСОЙ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

*Қадим тарихга эга Косонсой шаҳри "Обод марказ" дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида замонавий кентга айланди. 31 объектда олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларига 89,78 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Туман марказида 4,4 километр узунликдаги янги тармоқ тортилиши билан 4200 та хонадонда яшовчи 19,6 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади.*

— Автомобиль йўлларининг сифатсизлиги кўп йиллардан бери аҳолини қийнаб келаётган жиддий муаммолардан бири эди, — дейди меҳнат фахрийси Одилхон Қориев. — "Обод марказ" дастури шарофати билан бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. 3,4 млрд. сўм маблағ сарфланиб, мукаммал таъмирдан чиқарилган 19 километрга яқин автомобиль йўллари равон бўлди. Пиёдалар йўлаги ташкил этилиб, кўча бўйларига тежамкор ёритиш чироқлари ўрнатилди.

3

Халқ билан мулоқот

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПСА, ДАВЛАТГА ИШОНЧ ОРТАДИ

*Сайёр қабуллар. Бугун ушбу тизим орқали миллионлаб фуқароларнинг муаммолари ижобий ҳал этиляпти.*

Пойтахтимизда ўтказилган оммавий қабулларда Олмазор, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари аҳолисининг мурожаатлари тингланди, уларни ўйлантираётган масалаларга амалий ечим топиш чоралари кўрилди.

Сайёр қабулларда Бош прокуратура, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий суд, уларнинг қуйи бўғинлари, шунингдек, бошқа вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари учун алоҳида-алоҳида шуъбалар ташкил этилди. Бу эса ҳар бир муаммо ичига чуқурроқ кириш ва унга биргаликда амалий ечим топишда муҳим платформа вазифасини ўтади.

Жумладан, қабулда прокуратура ходимлари учун ажратилган шуъба ҳам анчайин гавжум бўлди. Юнусободлик Дилором Носирова ва яна 25 нафар тадбиркорни узоқ йиллар давомида боши берк кўчага олиб кирган муаммо илдизига етиб борилди.

Гап шундаки, тадбиркорлар бундан йигирма олти йил аввал бор-будини сотиб, тумандаги савдо комплексларидан бирида қонуний улушга эга бўлади. Бироқ мурожаатчилар айтишича, бу бинони айрим шахслар ҳужжатларини сохталаштирган ҳолда ўзлаштириб олиб, уларни улуш олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Адолатсизликка учраган тадбиркорлар кўп йиллар шу муаммога ечим қидириб, судма-суд юради. Югур-югурлар наф бермагач, барчасига қўл ҳам силтаган эди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлашнинг босқичма-босқич чораларини кўриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш жараёнларига ижобий хорижий тажрибани жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро имижини, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **маслаҳат органи** ҳисобланади;

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган **хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари**, шу жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг **раҳбарлари ва вакиллари**, шунингдек, бошқа иштирокчилар орасидан белгиланган тартибда шакллантирилади;

Кенгаш ўз фаолиятини оралиқ ва ялпи мажлислар шаклида юритади. Кенгаш **ялпи мажлислари йилда бир марта, оралиқ мажлислари — йилда камида икки марта ўтказилади**;

Кенгашнинг ялпи мажлисларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** томонидан, оралиқ мажлисларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар эса **Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** томонидан мувофиқлаштирилади;

Кенгаш аъзоларининг мажлисларга келиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари **Кенгаш аъзоларининг ўз маблағлари ҳисобидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади**.

4. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг Ўзбекистон томони таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган Кенгаш аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 ноябрь

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорамолнинг 94 фоизи, қўй ва эчкининг 84 фоизи, парранданинг 58 фоизи аҳоли хонадонларида боқилади. Айни пайтда мавжуд қорамолларнинг бор-йўғи 34 фоизи зотлидир. Айниқса, бу кўрсаткич Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида 26 фоиз, Хоразмда 28 фоиз, Қашқадарёда 31, Самарқанд вилоятида 33 фоизни ташкил этади. Қўйчиликда эса фақат қоракўл қўйларининг насли 30 фоизга яхшиланишига эришилди, холос.

Бундан ташқари, маҳаллий бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут йилига 2,5 тоннадан ошмаяпти. Ҳар бири 2-3 минг доллардан импорт қилинган наслли сигирлар 35 — 40 литр сут бериши лозим бўлса-да, чорвадорларга бундай молни парвариш қилиш сирлари ўргатилмагани боис маҳсулдорлик ўртача 25 литрдан ошмаяпти.

Чорванинг тўғри рационини ишлаб чиқиш, замонавий ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича мутахассислар етарли эмас. Оқибатда фермерларимиз чет элдан ветеринар ва зооинженерлар жалб қилиб, уларга 3-4 минг доллардан ойлик тўлашга мажбур бўлмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, технология асосида чорвани сўйиш тизимли йўлга қўйилмагани терининг сифати бузилишига олиб келяпти, бундан эса чарм-пойабзал саноати ҳам зарар кўрмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон бўйича замонавий кушхоналар сони 49 тага етади, жумладан, Андижон вилоятида битта, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида иккитадан, Хоразмда учта ташкил этилган. Мавжудлари ҳам 30 — 40 фоиз қувватда ишлаяпти, чунки аҳоли кушхонага боришдан манфаатдор эмас.

Чорвачиликнинг қисқа муддатда юқори самара берадиган йўналишлари, хусусан, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчиликни ривожлантиришда муаммолар талайгина.

Жумладан, бугунги кунда 38 минг гектар сунъий сув ҳавзаларининг атиги 460 гектарида интенсив балиқчилик ташкил этилган. Бунинг асосий сабаби — интенсив усулда етиштирилган балиқнинг таннархи оддий усулда етиштирилганидан 2 баробар қиммат. Шунинг учун тадбиркорлар оддий усул билан кифояланмоқда. Ҳолбуки, бу усулда балиқ етиштириш 1 гектарига 2-3 тоннадан ошмаса, интенсив шаклда 100 тоннагача маҳсулот олиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари лосос, осётр, хонбалиқ каби тансиқ балиқларни интенсив усулда етиштириш бўйича топшириқлар берди. Улар, айниқса, тоғолди ҳудудларда замонавий технологиялар қўллаган ҳолда парваришланса, ҳатто экспорт ҳам қилиш мумкинлиги қайд этиб ўтилди.

Видеоселектор йиғилишида қуёнчилик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳисоб-китобларга кўра, наслли қуённи табиий усулда бир йилда 4 марта (6 — 8 та қуён боласи), саноат усулида эса 7 мартагача (8 — 10 та) кўпайтириш мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда 1 минг 250 та қуёнчилик фермаси мавжуд бўлиб, саноат усулида 500 минг бош қуён боқилади, холос.

Юқоридаги муаммоларни комплекс ва тизимли ҳал этиш, чорвачилик тармоқларини изчил ривожлантириш учун Президентимиз қатор вазифалар қўйди.

Жумладан, Андижон вилоятида амалга оширилаётган тажриба асосида юртимизнинг аҳоли зич ҳудудларида мутлақо янги тизим жорий қилинади. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ажратиладиган кредитлар асосида сут ва гўштни қайта ишлайдиган корхона аҳолига кооперация асосида 5 бошгача наслли қорамол етказиб беради, уни қандай парвариш қилишга ўргатади. Корхона наслли қорамолнинг мунтазам ветеринария назоратини, белгиланган рацион асосида озуқаланишини ҳамда ундан олинаётган сутни бозор нархида сотиб олинишини таъминлайди.

Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, аҳоли қорамолга эга бўлади, сутни бозор нархида сотади, бу билан қорамол кредитини тўлайди ҳамда туғилган бузоқлар ҳисобига хўжалик кенгайиб бораверади. Қуёнчиликда ҳам ушбу тажрибани жорий этиш мумкин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ банки ҳамда "Микрокредитбанк"ка вилоят ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларида мазкур тизимни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон тажрибаси асосида чорва кооперациялари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Яъни имкониятдан келиб чиқиб, 30 дан 100 бошгача қорамолдан иборат оилавий чорва фермалари ташкил қилинади. Кооперация ушбу тузилмаларни озуқа-ем, ветеринария хизматлари ва агротехника билан таъминлайди.

Мазкур тажрибанинг афзаллиги шундаки, оилавий фермалар қаердан ем ва техника олиш, маҳсулотни кимга ўтказиш ҳақида бош қотирмайди. Бу ишлар билан кооперация шуғулланади.

Юқорида зикр этилган ташкилотлар ва ҳокимликларга Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Бухоро вилоятларида камида иккитадан шундай чорва кооперацияларини ташкил этиш топшириғи берилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти тажрибаси асосида ғаллачилик кластерлари ташкил этиш орқали 2 — 5 минг бош қорамолдан иборат йирик фермалар фаолиятини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди.

Бунда кенгайиш истагини билдирган ва камида 500 бош қорамоли мавжуд фермерларга ҳар 1 минг бош учун 300 — 400 гектардан ер бериш орқали ғаллачилик кластерлари ташкил этилади. Ушбу тизим шуниси билан жозибадорки, йирик кластерлар буғдойни қайта ишлаш орқали омихта ем ишлаб чиқариш ҳамда ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин сифатида озуқабоп экинларни етиштириб, ўзи силос ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Қатор идора ва ташкилотларга бир ой ичида ҳар бир талабгорнинг таклифини кўриб чиқиб, амалга ошириш чораларини белгилаш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, чорвачиликни озуқа-ем билан таъминлашда пахта кластерлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур. Чунки бу тузилмаларда ер, катта озуқа базаси, ишчи кучи, техника ва молиявий имкониятлар етарли. Шунинг учун барча пахта кластерларига 5 минг бошдан кам бўлмаган қорамол комплекслари ташкил этиш топшириғи берилди.

Озуқа-ем ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун эса Навоий вилояти тажрибасини барча ҳудудларда кенг жорий этиш лозимлиги билдирилди. Хусусан, Хатирчи туманида тажриба тариқасида 530 гектар яйловни сув тежовчи технологиялар жорий қилиш орқали ерларни ўзлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида яйловда интенсив суғориш орқали 1 гектар ердан 80 тонна маккажўхори пояси етиштирилган.

Қорақалпоғистон Республикасида, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида минглаб гектар бундай яйловлар мавжуд. Шунинг учун мутасаддиларга мазкур ҳудудларда камида 10 минг гектар яйловда озуқабоп экинлар етиштириш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Чорвачиликда насл юқори маҳсулдорликнинг биринчи омилидир. Шу боис ҳар бир ҳудудда сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил этиш, кейинги йил якунигача аҳоли ихтиёридаги сигирларнинг 70 фоизини сунъий уруғлантириб, 2025 йилга қадар 60 фоиз чорва молларининг наслини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, фермерлар ва аҳолига чорвани яхши боқишни ўргатиш, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг Тошкент филиали негизида Чорвадорлар амалий ўқув марказини ташкил этиб, амалий ва масофавий семинарлар ўтказишни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳсулот таннархини камайтириш ва соҳа рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Келаси йилдан чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик тармоқларини субсидия бериш орқали қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Дунё тажрибасидан келиб чиқиб, субсидия етиштирилган тайёр маҳсулотлар ҳажмига мувофиқ равишда берилади.

Ветеринария, карантин, стандартлаштириш, санитария-эпидемиология хизматларининг изчил ҳамкорлигини таъминлаш, халқаро тажриба асосида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини яратиш ҳамда уни назорат қилиш тартиб-таомилларини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ишлаб чиқарувчиларга ички бозорда муносиб шароит яратиш, чорва маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги 90 та деҳқон бозорида паррандачилик корхоналарининг биронта савдо шохобчаси йўқлиги қайд этилди. Балиқчилик корхоналарининг Сирдарё вилояти бозорларида 2 та, Сурхондарёда 3 та, Навоий вилоятида 4 та, Фарғонада 9 та савдо нуқтаси бор, холос.

Йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш учун ҳафтанинг ҳар жумаси "Чорвачилик куни" деб эълон қилинди. Топшириқлар ижросини мувофиқлаштириб бориш ва чорвадорларга кўмаклашишга масъул Республика кенгаши тузилди.

Видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигидан ташқари ипакчилик саноатини ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Пиллачилик жуда қисқа муддатда — 30-35 кунда экспортбоп маҳсулот олса бўладиган тармоқ. Жаҳонда 20 дан ортиқ пилла етиштирувчи мамлакатлар бўлса, Ўзбекистон Хитой ва Ҳиндистондан кейинги ўринда туради. Лекин юртимизнинг жаҳон бозоридаги улуши — атиги 2,5 фоиз. Охирги икки йилдаги саъй-ҳаракатлар натижасида, хусусан, йилига тўрт марта ипак қурти боқиш ҳисобига пилла ҳосили 19 минг тоннага етказилди.

Йиғилишда бу тармоқдаги бозор конъюнктураси таҳлил қилинар экан, мамлакатимизда катта имкониятлар борлиги таъкидланди. Бундан самарали фойдаланилса, яқин йилларда йиллик экспорт ҳажмини камида 500 миллион долларга етказиш мумкин.

Айни пайтда тармоқда қатор муаммолар ҳам бор. Жумладан, тутзорларнинг 6 минг гектари яроқсиз аҳволда. Яна 37 минг гектарда ҳосилдорлик 30 фоизга ҳам етмайди. Юқори озуқавий навлар тутзорлар ва якка қатор тутларнинг бор-йўғи 5-6 фоизини ташкил этади. Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ўз вақтида сифатли амалга оширилмаётгани боис озуқа базаси йўқотилмоқда.

Ипак қурти уруғининг 80 фоизи импорт қилинган. Юртимизда супер-элита ипак уруғи яратадиган ягона муассаса — Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базаси эскирган. Шулардан келиб чиқиб, 2022 йил якунига қадар 20 минг гектар янги тутзорлар барпо этиш ҳамда 10 минг гектар эскирган тутзорларни янгилаш режалаштирилган.

Бунинг учун мавжуд тутзорлар оилавий пудрат асосида аҳолига 1 гектардан 3 гектаргача бўлиб берилади. Пиллачилик кластерлари томонидан тутзорларни янгилаш учун тут кўчати ва мавсумда ипак қурти уруғи тарқатилади. Пилладан олинадиган даромад билан бир қаторда, тутзорлар орасига экиладиган қўшимча экинлар ҳам тўлиғича аҳоли ихтиёрида қолади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси, вилоят ҳокимлари ва тегишли идоралар раҳбарларига тутзорлар ташкил этиш учун ер ажратиш, эскиларини янгилаш, сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича топшириқлар берилди. Келаси йили пилла етиштириш ҳажмини 21 минг тоннага, 2025 йилгача эса 30 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилди.

Супер-элита ва элита уруғларини тўлиқ юртимизда тайёрлаш, бунинг учун уруғчилик станцияларини қўллаб-қувватлаш, тутларни кимёвий ва биологик усулларда ҳимоялаш, жойларда янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Яна бир масала — юртимизда пилла ва ипакни экспертизадан ўтказиш ва сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар йўқ. Ҳозир бунинг учун маҳсулот хорижга жўнатилаётгани боис корхоналар қўшимча харажат қиляпти. Шу муносабат билан Президент "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси қошида замонавий лаборатория ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимларнинг ҳисобот ва таклифлари эшитилди.

**ЎзА.**

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПСА, ДАВЛАТГА ИШОНЧ ОРТАДИ

1

Аммо халқ билан мулоқотнинг янгича тизими уларнинг сўна бошлаган умидларига учқун берди. Д. Носированинг мурожаатидан сўнг ниҳоят узоқ йиллик муаммонинг ичига кирилди.

— Бу масалада адолат юзага чиқмаса керак, деб ўйлагандик, — дейди у. — Биз бу тизимдан жуда розимиз.

Уч кунлик оммавий қабуллар таҳлилига кўра, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам жуда кўплаб муаммолар ўртага ташланган. Натижа ҳам шунга яраша салмоқли бўлаётгани аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётгани, шунингдек, одил судлов амалда қарор топаётганини ифодалайди.

Олмазор туманида ташкил этилган қабулда ҳам Олий суд ва Тошкент шаҳридаги судлар раҳбарлари томонидан жиноят ишларига оид 18 та, фуқаролик ишлари бўйича 16 та, маъмурий масалаларга доир 31, иқтисодий ишларга оид битта мурожаат кўриб чиқилди. Эътиборлиси, биргина шу қабулнинг ўзида суд масалаларига дахлдор жами 66 та мурожаатнинг 36 таси жойида ҳал қилинди. 26 масала бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. 4 таси эса назоратга олинди.

Мурожаатчилар орасида олмазорлик тадбиркор Рустам Ҳотамбеков ҳам бор эди. У туман маъмурий судидан ноқонуний тадбиркорлик фаолияти учун қўлланилган жаримани енгиллатиб беришни сўраган эди.

— Мурожаатим қабул қилиниб, ўрганиб чиқилгач, шу ернинг ўзида сайёр суд ўтказилди, — дейди Р. Ҳотамбеков. — Соғлиғим, ижтимоий аҳволим ва қонунни бузганлигимдан чин дилдан пушаймон эканлигимни инобатга олиб, менга жарима эмас, огоҳлантириш берилди. Эндиликда фаолиятимни қонуний юритишга ваъда бераман.

Таҳлилларга кўра, Олмазор туманида ўтказилган оммавий қабулларда турли масалаларга оид 250 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 58 таси жойида бартараф этилди. 34 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди. 158 та мурожаат юзасидан аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Қабул жараёнларида шаффофлик тўлиқ таъминланди. Юзма-юз, очиқ-ошкора ва энг муҳими, жонли мулоқотларда барча ҳақиқат рўйирост айтилиб, саволларга аниқ жавоблар қайтарилди.

**«Халқ сўзи».**

# ДУНЁ ТУРИЗМ БОЗОРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВҚЕИ ОШМОҚДА

***Шу кунларда "Ўзэкспомарказ" мажмуида юртимиз сайёҳлик салоҳияти миллийлик ва замонавийлик уйғунлигида намойиш қилинаётгани ташриф буюрувчиларга олам-олам завқ улашмоқда. Айниқса, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини қамраб олган стендлар олдидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмайди. Ранг-баранг декорация, турли-туман ҳунармандчилик маҳсулотлари, қадимий кентларда йўлга қўйилган инновацион сайёҳлик хизматлари ҳақида маълумотлар, тарихий шахслар қиёфасини гавдалантирган актёрлар чиқишлари, республикамизнинг турли бурчакларидан келган дасталар куй-қўшиқ ва рақслари — эҳ-ҳе, буларнинг барчаси кишини сеҳрлаб қўяди. Япониялик сайёҳ Хоразм лазгиси янграй бошлагач, ўзини тутиб туролмади. Шляпасини улоқтириб, чўгирмани бошига қўндирди-да, рақсга тушиб кетди...***

## Кўргазма



БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (UNWTO) расмий кўмагида йигирма бешинчи марта ўтказилаётган "Ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро туризм кўргазмаси ана шундай ёқимли таассуротларга бой бўлмоқда.

Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган сайёҳлик компаниялари билан бирга, Беларусь, Грузия, Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Миср, Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, БАА, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон сингари 30 га яқин мамлакатлардан 200 дан ортиқ сайёҳлик компаниялари иштирок этяпти. Бу дунё туризм бозорида Ўзбекистон мавқеи ошиб бораётганидан далолат беради.

— Индонезия аҳолисининг деярли барчаси Ўзбекистонга келиш, муқаддас манзилларни кўриш орзусида юради, — дейди "GoIndonesia" компанияси вакили Дени Маулона. — Айниқса, буюк муҳаддис Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш мусулмон халқимиз учун катта бахт саналади. Юртингизда зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, хусусан, тўғридан-тўғри авиарейс йўлга қўйилгани туфайли сайёҳлар оқими кўпаймоқда.



Таъкидлаш керакки, туризмни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар боис у иқтисодиётнинг, чин маънода, стратегик тармоқларидан бирига айланди. Замонавий инфратузилма объектлари фойдаланишга топширилиб, янги сайёҳлик йўналишлари очилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг ўзида 220 дан зиёд меҳмонларни жойлаштириш объектлари ишга туширилаётган бўлса, шундан 60 дан зиёди йирик меҳмонхоналар улушига тўғри келади. Келгуси йилда эса 300 та шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистонда туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизнинг сайёҳлик жозибаси ортмоқда. Буни кейинги пайтда юртимизга келаётган чет эллик сайёҳлар оқими кўпайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар 2016 йилда хориждан 1,3 миллион турист келган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 2,7 миллион, 2018 йилда эса 5,4 миллион нафарга етди. Сайёҳлар сони 2019 йил якуни бўйича янада ортиб, 6,4 миллион нафарни ташкил этиши кутилмоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, рақамлар йил сайин ўсиб бораверади. Чунки соҳа вакиллари ўз олдиларига 2023 йилда хорижлик сайёҳлар сонини 10 миллиондан оширишни бош мақсад қилиб қўйишган. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма бунда қўшимча имкониятларни ишга солишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ундан кўзланган асосий мақсад ҳам Буюк Ипак йўлининг маданий, тарихий ва табиий меросини тарғиб қилиш ва ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Шу боис уч кун давом этадиган форум кундалиги ниҳоятда тиғиз ва қизиқарли. Унинг дастлабки кунида "Шарқ бозори" кўргазмаси, "Ипак йўли лаззати" миллий таомлар фестивали иш бошлагани, "Вино туризми. Ривожланиш салоҳияти" тақдимоти ўтказилгани, Ўзбекистон сайёҳлик бренди элчиларининг халқаро форуми бўлиб ўтгани, долзарб мавзуларда семинар ва маҳорат дарслари ташкил этилгани бунинг яққол далилидир.

Бу йилги кўргазмада ташкил этилган "Ҳунармандлар шаҳри" экспозицияси ҳам одамлар билан гавжум. Бу ерга келганлар ҳар бир ҳудудга хос бўлган ҳунармандчилик мактаби билан яқиндан танишиш, маҳсулот тайёрлаш жараёнини кузатиш, ҳатто ўз маҳоратини синаб кўриш имкониятига ҳам эга бўладилар. Кўпчилик андижонлик ҳунарманд Ҳожиакбар Мансуров ва шогирдлари ишига қизиқиб қолишди. Улар ташриф буюрувчилар кўз ўнгида пахмоқ рўмол тўқишмоқда.

— Шу пайтгача фақат рўмол тўқиган бўлсак, эндиликда унинг ёнига шарф, нимча кабиларни ҳам қўшдик, — дейди ҳунарманд. — Уларга хорижлик сайёҳлар катта қизиқиш билдирмоқда. Италия, Хитой, АҚШ, Германия, Польша сингари жаҳоннинг 16 давлатидан келган сайёҳларга сотяпмиз.

Кўргазмада халқаро транспорт компаниялари, сайёҳлик ташкилотлари, мамлакатимиз меҳмонхона ва ресторанлар бизнеси вакиллари, банклар, суғурта компаниялари, олий ўқув юртлари ҳам иштирок этмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**



# НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ — АМАЛДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Норма ижодкорлиги концепциясини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси асосида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиш учун тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Бу лойиҳада эндиликда қонун ҳужжатларини қабул қилиш асослари ва тартиби, қонуности ҳужжатларини тартибга солиш доираси аниқ белгиланаётир. Унга кўра, қонун билан тартибга солинадиган барча масалада қонуности ҳужжатлари қабул қилинишига йўл қўйилмайди.*

Қонун лойиҳасида жамоатчилик фикрини ўрганишга алоҳида эътибор бериляпти. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаати, мажбуриятларига дахлдор, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-табиий муҳитга таъсир қилувчи лойиҳалар бўйича мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ўтказилади.

Лойиҳада иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик экспертизаларни ўтказиш механизмлари, коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш тартиби ҳам қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Қуйи палатада бўлиб ўтган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия йиғилиши ушбу долзарб масала муҳокамасига бағишланди.

Унда шу йилнинг 26 март куни Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қўшма қарорлари билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётини амалиётда қўллаш натижалари муҳокама қилинди.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, аксарият вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларда Ягона услубиёт талабларини бажаришда айрим муаммолар келиб чиқмоқда.

Бунда Ягона услубиётнинг юридик кучи қонун даражасида эмаслиги сабаб бўлаётир. Шу боис унинг юридик мақомини кучайтириш масаласи комиссия аъзолари томонидан батафсил муҳокама қилинди.

Комиссия Ягона услубиётни бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирда кўриб чиқилаётган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасига илова қилган ҳолда тасдиқлашни мақсадга мувофиқ деб топди.

Йиғилишда қонунчиликни тизимлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар таклиф ва тавсиялари, халқаро шартномалар талабларининг ягона оммабоп рўйхатини шакллантириш борасида олиб борилган ишлар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Шунингдек, парламент томонидан тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича кенг кўламли иш олиб борилаётганига қарамай, идоравий ҳуқуқий ҳужжатларнинг салмоғи камаймаётгани қайд этилди.

Норма ижодкорлиги фаолиятида замонавий АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиш, бунда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига тезкор равишда етказиш, уларни электрон базаларга жойлаштириш ва шарҳлаш, лойиҳаларни манфаатдор идоралар билан келишишда ягона электрон тизимга ўтиш ҳамда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимини модернизация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, жорий йил 1 январда синов тариқасида ишга туширилган "Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими" порталининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш ягона электрон тизимининг бугунги ҳолати таҳлил қилинди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш қачон талаб даражасига чиқади?

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири бунга жавоб берди.**

*БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг ҳар ўн нафаридан тўрттаси тоза ичимлик суви танқис бўлган ҳудудда яшар экан. Бу ҳар биримиз зиммамизга ушбу ресурсдан самарали фойдаланиш, тежаб-тергаб ишлатиш ва келгуси авлодларга безавол етказишдек улкан масъулиятни юклайди.*

*Жорий йилнинг 5 сентябрь куни Президентимиз аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича йиғилиш ўтказиб, мазкур соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга топшириқлар берган эди. Хўш, мажлисда танқид қилинган масалаларни ўрганиш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида ечиш бўйича қандай чора-тадбирлар олиб борилялти?*

*Мухбиримиз шулар хусусида* ***Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Музаффар САЛИЕВ*** *билан суҳбатлашди.*

## Долзарб мавзу

— Аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир, — дейди вазир. — Давлатимиз раҳбари йиғилишда бу бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга эътибор қаратиб, фаолиятимиздаги сусткашликлар, камчиликларни ҳам очиқ-ойдин гапирдилар. Албатта, бундан тегишли хулосалар чиқарган ҳолда фаолиятимизни давом эттиряпмиз. Энди "ура-ура"лардан қочиб, аввало, соҳадаги тизимли муаммоларга тўхталиб ўтсам.

Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, 11 мингдан зиёд қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ўта долзарб масала эканлигини айтиб ўтиш керак. Бугунги кунда республика бўйича марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 68 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич, жумладан, Қорақалпоғистонда 52 фоиз, Бухорода 53, Қашқадарё ва Сурхондарёда 54, Хоразмда 56 фоиз, холос. Афсуски, бу ҳолатни оқлашга ҳеч қандай асосимиз йўқ. Тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда вақтида жиддий чораларни кўришимиз керак эди.

Айни пайтда ушбу муаммони ечиш мақсадида ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари тизимини ривожлантириш бўйича 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Қолаверса, ичимлик суви ва канализация хизматлари билан аҳолини тўлиқ қамраб олишни кўзда тутувчи вилоятлар бўйича концепциялар тайёрланяпти. Уларни умумлаштиришда аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, янги тураржой массивлари барпо этилиши, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг кенгайиши ҳам эътиборга олинади. Шу орқали 2030 йилга қадар марказлаштирилган ичимлик суви таъминотини шаҳарларда 98, қишлоқларда 85 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Иккинчи муаммо шундаки, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб берилишининг аниқ ҳисоб-китобини юритишни йўлга қўйиш лозим. Тан олиш керак, бугунги кунгача бунинг аниқ механизми йўқ эди. Таҳлилларга кўра, ичимлик суви ишлаб чиқариш ва тарқатиш иншоотларининг 85 фоизида ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас. 3 млн. 280 минг нафар сув истеъмолчидан атиги 44 фоизига, яъни 1 млн. 425 минг хонадонга ҳисоблагич ўрнатилган.

Масалага ечим топиш ҳамда юқорида айтилган иншоотлар ва истеъмолчиларни 2022 йил охирига қадар ҳисоблагичлар билан тўлиқ таъминлашга оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Уни молиялаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш ишлари давом этяпти.

**— Айтинг-чи, бугун сув ресурслари тарифларини эркин бозор талаблари асосида белгилаш вақти келмадими?**

— Тўғри, энг муҳим масалалардан бири соҳада юритилаётган тариф сиёсатидир. Уни тубдан қайта кўриб чиқиш керак. Сир эмас, кўп йиллар давомида сув таъминоти соҳасида пасайтирилган тариф сиёсати юритилган. Лекин бугунги кунга келиб, бу тизим сув таъминоти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, ичимлик сувининг исроф бўлишига олиб келяпти.

Ичимлик суви тарифлари электр энергияси учун нархлар ошиши ва инфляция даражасини эътиборга олган ҳолда оширилаётган бўлсада, сувни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб беришга сарфланган харажатлар ўзини қопламайди. Масалан, республика бўйича ўртача 1 $м^3$ тоза ичимлик сувини ишлаб чиқариш учун 1080 сўм харажат қилинади, аҳолига эса 800 сўмдан етказиляпти, 1 литр сувга ҳисоблаганда бу кўрсаткич 0,8 сўмни (80 тийинни) ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикасида 2185 сўм сарф қилинса, аҳолига 1000 сўмдан, Навоийда 1602 сўм сарф қилиниб, аҳолига 1100 сўмдан, Тошкент вилоятида 1103 сўм сарф қилинади ва аҳолига 650 сўмдан сотилади.

Жаҳон банки маълумотларига қараганда, республикамизда ичимлик суви тарифи энг паст даражада экан. Бу кўрсаткични пойтахтлар мисолида кўрадиган бўлсак, Қозоғистонда 1 $м^3$ сув — 0,12 доллар (ёки 1176 сўм), Қирғизистонда — 0,09 доллар (882 сўм), Тожикистонда — 0,05 доллар (490 сўм), Ўзбекистонда — 0,03 доллар (310 сўм)ни ташкил этади.

Бундан ташқари, бугунги кундаги тарифларни шакллантиришда соҳани модернизация қилишга кетган харажатлар ҳисобга олинмаяпти. Тарифларни белгилашда юзага келган бундай ҳолат соҳага сармоялар, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг жалб этилишига, сув таъминоти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ичимлик суви таъминоти корхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйишлари учун ўз маблағларига эга эмас. Шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига, сув таъминоти корхоналарининг жами дебитор қарздорлиги — 399,2 млрд. сўм бўлиб, шундан аҳоли 312,4 млрд. сўм ва юридик ташкилотлари 86,8 млрд. сўмни ташкил этади. Натижада ҳозирги кунда 27 минг километр ёки 38 фоиз сув тармоқлари авария ҳолатида, 2 мингта ёки 20 фоиз сув насослари ишдан чиққан. Ўзбекистондаги шаҳарларнинг фақат 79 тасида (57 фоиз) канализация тизими мавжуд, унинг ҳам 23 фоизи таъмирга муҳтож.

Тариф сиёсатини шакллантириш масалаларида жаҳон тажрибаси ва Жаҳон банки тавсияларини ўрганиб чиқдик. Хулоса шуки, тарифлар эркин бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллантирилмагунча соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Яъни тарифларни хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш ва модернизация харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш принципига ўтишимиз лозим. Шу билан бирга, тажриба тариқасида сув ва канализация тизимини тадбиркорларга давлат-хусусий шериклик асосида бериш чоралари кўриляпти. Бу тизимни самарали бошқаришни жорий этиш учун йирик халқаро молия муассасалари билан музокаралар олиб боряпмиз.

**— Республикамизда ичимлик суви ҳамда канализация тизимларини модернизациялаш борасида ҳам муаммолар талайгина. Бу йўналишда қандай чоралар кўриляпти?**

— Ҳозирги пайтда республикамизнинг аксарият минтақаларида аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо бу борада ҳали кўп иш қилишимиз керак. Хусусан, ушбу мақсадларда Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилади, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳам жалб этилади.

Масалан, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан Сурхондарё вилоятига 160 млн. доллар, Бухорога 660 млн. доллар маблағ ажратилиши ва мазкур ҳудудларни 2023 йилга қадар ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўриляпти.

Шунингдек, ҳудудларда ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимларини ривожлантириш ишларини амалга ошириш мақсадида 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури, "Обод қишлоқ" ҳамда "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 942 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга ошириляпти. Натижада 770 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик суви таъминоти ҳамда 75 мингдан зиёд аҳолининг оқова тизими яхшиланиши кўзда тутилмоқда.

Жорий йилнинг 15 октябрь ҳолатига кўра, 390 дан ортиқ аҳоли пунктларига ичимлик суви етказиб берилди. Қолган объектларда қурилиш-монтаж ишлари 80 — 85 фоиз амалга оширилган, йил якунига қадар булар ҳам фойдаланишга топширилади. Шунингдек, вазирлик томонидан халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан шу йилда 7 та йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этиляпти. Унинг доирасида 98,0 км. магистраль ва 487 км. ичимлик суви тармоғи, 93 км. канализация тармоғи, 18 та сув тарқатиш иншооти, 6 та канализация насос станцияси қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 57,8 минг абонентни бу тармоқларга улаш ишлари амалга оширилмоқда.

**— Лойиҳалар доирасида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини ким назорат қилади?**

— Айни пайтда вазирлик республика ҳудудида сув таъминоти ва канализация тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, ривожлантириш ва реконструкция қилишда ягона сиёсат юритади. Жорий йилдан бошлаб марказлаштирилган манбалар ҳисобидан рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар бўйича ягона буюртмачилик функцияси вазирликка тўлиқ ўтган. Бу қурилаётган объектлар сифатини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари сифатини бевосита назорат қилиш тизими ҳам жорий этилган.

Жумладан, лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичида сифатли муаллифлик назоратини вазирлик ҳузуридаги "Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш" корхонаси ва унинг ҳудудий филиаллари амалга оширади. Қолаверса, инжиниринг компанияси томонидан лойиҳалар доирасидаги қурилиш-монтаж ишлари вақтида молиялаштирилиб, пудратчи ташкилотларнинг бажарган ишлари тасдиқланган режа асосида сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Ҳар бир объект бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари якунланганидан сўнг эса мутасадди идора ҳамда ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ва давлат қабул ҳайъати томонидан иншоотлар қабул қилиб олиниб, тегишли далолатномалар асосида фойдаланиш учун сув таъминоти ташкилотларига топширилади.

Яна бир гап, бу йўналишдаги қатъий назоратни кабинетда ўтириб амалга ошириб бўлмайди, у дамлар ўтиб кетди. Шу маънода, шахсан ўзим ва вазирликнинг мансабдор шахслари объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари ҳолатини ўрганиш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида мунтазам равишда ҳудудларга чиқиб, вазият билан танишяпмиз.

Шу ўринда, янада муҳим бўлган масалага эътиборни қаратмоқчиман. Бу ҳам бўлса, олдимизда оқиб турган сувнинг қадрига етиш. Бироқ айрим юртдошларимиз томонидан сувни исроф қилиш, уни бекорга оқизиб қўйиш, ичимлик суви билан экинларни суғориш ва автомашиналарни ювишда фойдаланилмоқда. Афсуски, қувурларга ноқонуний уланиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу боис, энг аввало, фуқароларнинг сувга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. "Сувни биргаликда асрайлик" акциясини республика миқёсида ўтказишдан мақсад ҳам шу — аҳолини сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга чақиришдир.

Энди эътибор беринг, Жаҳон ресурслари институти (WRI) маълумотларига кўра, Ўзбекистон сув танқислиги бўйича дунёдаги 164 мамлакат рўйхатида 25-ўринни эгаллади. Сув танқислиги юқорилиги бўйича эса 27 мамлакат қаторида экан. Бу статистика нафақат ҳукуматимизни, тегишли вазирлик ва идораларни, балки ҳар бир фуқарони ташвишлантириши керак. Биздаги обиҳаётни борида қадрлаб, улардан оқилона фойдалансак, жуда катта хайрли ишга ҳисса қўшган бўламиз.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# КОСОНСОЙ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

1

Миллий маданият маркази, тумандаги 5 та касб-ҳунар коллежи маъмурий бинолари, 2 та касб-ҳунар коллежининг спорт зали, Давлат солиқ инспекцияси, прокуратура бинолари ва бошқа кўплаб ижтимоий иншоотлар мукаммал таъмирланиб, кўркам қиёфага эга бўлди. Косонсой сойи соҳили бўйлаб 1,5 километр узунликда барпо этилган яшил хиёбон ва велосипед йўлакчаси ҳудудга ўзгача чирой бағишлади. Бундан кексаю ёш бирдек мамнун бўлди. Косонсой истироҳат боғи эса 2 миллиард сўм маблағ ҳисобидан қайта реконструкция қилиниб, янада жозибадор гўшага айланди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган икки мингдан зиёд мард косонсойликларга эҳтиром рамзи сифатида Хотира майдони бунёд этилди.

Обод бўлган шаҳарнинг тантанали тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т. Худайбергенов, Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров иштирок этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ВАЗИФАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

*Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунни имзолади. Бу ҳужжатда Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, вазифалари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги мустаҳкамлаб қўйилган.*

## Сенатор минбари

Қонунга кўра, Марказий банк юридик шахс бўлиб, у давлатнинг мутлақ мулкидир ва ўз харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширади. Шу билан бирга, у Олий Мажлис Сенатига ҳисобдордир. Юқори палата Марказий банкнинг йиллик ҳисоботини аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан бирга кўриб чиқади.

Бундан ташқари, Марказий банк Ҳукумат, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, жумладан, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун кредитлар ёки молиявий ёрдам бермайди.

Марказий банк раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, Олий Мажлис Сенати томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Яна бир жиҳат, Қонунда Марказий банкнинг Ҳукумат ва кредит ташкилотлари билан муносабатлари белгиланган. Хусусан, у эндиликда кредит, тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта биржалари, кредит бюролари ва банклар гуруҳларининг фаолиятини, шунингдек, қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни тартибга солади ва назорат қилади.

Шу билан бирга, Қонунда халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг марказий банклари ҳамда банк назорати ва монетар сиёсат бўйича бошқа органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ахборот алмашиш тўғрисидаги нормалар ҳам мустаҳкамланди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда янгича ёндашувлар ҳамда принципларни татбиқ этиш имконини беради. Банк тизимини ривожлантиришнинг барқарор суръатларини қўллаб-қувватлаш, умуман, банк тизими ва Марказий банкнинг барқарор фаолият олиб боришини самарали назорат қилишга кўмаклашади.

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# «БИР САЙЛОВЧИ — БИР ОВОЗ» ТАМОЙИЛИ

## замонавий АКТ ёрдамида таъминланади

1

Электрон тизим сайловчилар учун яна кўплаб қулайликлар яратади. Масалан, сайловчи, қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссияси сайтини очиб, паспорт рақамини киритиш орқали ўзининг қайси сайлов участкасига тааллуқли эканини ва сайлов участкаси жойлашган манзилни осонлик билан аниқлаши мумкин.

— **Сайлов тизимига АКТни жорий этишнинг яна қандай афзалликлари бор?**

— Шу пайтгача мамлакатимизда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ деярли барча ишлар, таъбир жоиз бўлса, қўл меҳнатига асосланган эди. Сайловчилар рўйхатини тузишдан то ҳисоботни жамлашгача бўлган жараёнлар қоғозга қалам орқали муҳрланарди. Бу талай вақт, харажат, энг муҳими, ортиқча қўл кучи, сафарбарлик талаб қилишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Даста-даста ҳужжатларни йиғиш, юритиш, сақлаш ва аниқлашнинг машаққатини айтмайсизми! Бунга ҳар сайловда участкалар, округлар ва сайловчилар рўйхатларини янгидан шакллантириш ҳамда бу заҳматли жараёнда йўл қўйиладиган ноаниқликлар, хатолар ва уларни тузатиш ташвишини қўшинг.

Шу жиҳатдан, Юртбошимизнинг номи қайд этилган қарори қабул қилиниши сайлов тизимида нечоғли улкан ва самарали ўзгаришларни амалга ошириш, сайловларни ташкил этувчилар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам катта қулайлик яратишини алоҳида таъкидлаш зарур.

— **Жорий йилнинг 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловларда бутун юртимиз бўйича СЯЭРдан фойдаланиш имконияти яратиладими?**

— Айни чоғда барча сайлов участкаларини замонавий компьютерлар ва бошқа зарур техника воситалари билан таъминлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Сайлов участкалари учун ажратилган 10,2 мингдан ортиқ биноларга оид маълумотларни шакллантириш ишлари ҳам якунланиш арафасида. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига эса ҳозиргача 20,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фуқароларига доир маълумотлар киритилди.

Ҳозиргача бу борада бажарилган ишлар кўлами, ҳажми ва аҳамияти ҳақида сўз борганида, журналистлар, экспертлар ва халқаро таҳлилчилар "мисли кўрилмаган" деган иборани қўллашаётгани бежиз эмас. Буни айнан рақамларда ҳам кузатиш мумкин. 2019 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида аҳоли яшаш жойлари, ижтимоий объектларга замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этиш учун 8250 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари тортилди. Йил охиригача бу рақам янада ортади.

Бу бориш қийин туманларгача замонавий кабель алоқаси билан таъминланади, деганидир. Зеро, сайловлар шарофати билан округ сайлов комиссиялари, участка сайлов комиссиялари ва уларнинг матбуот марказлари учун вақтинча берилган бинолар — юзлаб мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳаллалар, давлат ва жамоат ташкилотлари идоралари, шунингдек, аҳоли хонадонларигача интернет алоқаси етиб бормоқда.

— **Жойлардаги сайлов комиссиялари аъзоларининг АКТдан фойдаланишга доир билим ва кўникмаларини ошириш борасидаги ишларнинг аҳволи қандай?**

— Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва сайловларда ундан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, унда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўлами, ижро муддати ва масъуллари белгиланган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда, сайлов комиссиялари вакилларини (операторларини) Сайловлар жараёнини бошқариш ахборот технологиялари тизимида (СЖБАТ) ишлашга ўқитиш учун АКТ соҳаси мутахассисларининг таркиби шакллантирилди. Дастлаб иш шу мутахассис-тренерлар ҳақидаги маълумотларни СЖБАТ дастурига жойлаштиришдан бошланди.

Шунингдек, Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги доирасида сайлов қонунчилигидаги янгиликлар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича СЯЭР тизимидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини сайлов ташкилотчиларига ва кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида олимлар, мутахассислар, эксперт ва амалиётчилар иштирокида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва амалий машғулотлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз навбатида, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида сайлов жараёни барча босқичларига доир услубий видеоматериаллар ва видеороликлар тайёрлашга киришилди. Қолаверса, СЖБАТда ишлайдиган операторларни ўқитиш мамлакат бўйича ташкил этилиб, 30 мингдан ортиқ мутахассислар қамраб олинди.

— **СЯЭРдан сайловчиларга оид қандай маълумотлар жой олади?**

— Унда Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, доимий ёки вақтинча тураржойга эга фуқароларига тегишли маълумотлар киритилади. Рўйхат тузилаётган вақтда тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган фуқаролар ҳам сайловчилар рўйхатига киритилади.

Мабодо, сайловчилар рўйхатида хато ва ноаниқликлар аниқланса, ҳар бир фуқаро тегишли сайлов комиссиясига мурожаат этиши мумкин. Муаммо зудлик билан ҳал этилади.

Айни пайтда, сайловларга оид барча маълумотлар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида жамланган "**Saylov — 2019**" мобил иловаси ишлаб турибди.

Қолаверса, юртдошларимиз Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот марказидаги **1197** телефон рақамига қўнғироқ қилиб, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга доир барча саволларга мукаммал жавоб олишлари мумкин. Хорижда яшаб турган фуқаролар бу масалаларда **+ 99855 502-44-44** телефон рақамига қўнғироқ қилсалар кифоя.

Буларнинг барчаси, пировардида ушбу муҳим сиёсий тадбирни "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар." шиори остида, конституциявий қоидалар ҳамда халқаро сайлов андозалари, демократик тамойиллар асосида очиқ-ошкора ўтказишга хизмат қилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

**«Сайлов — 2019»**

**«Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади.**

**Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.**

**Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.»**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 5-моддаси.

Ташаббус

# Иссиқхонада ўсимликларни асалари чанглатади

*Хонқа туманидаги “Gardens Khorezm” корхонаси томонидан бир йилда уч маротаба ҳосил олиш имконини берувчи йирик иссиқхона комплекси барпо этилмоқда.*

Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойида Хоразм вилоятига амалга оширган ташрифи давомида тасдиқланган мазкур лойиҳа асосида майдони 6 гектарни ташкил этувчи корхона қурилиши шиддат билан олиб борилянти. Умумий қиймати 16,9 миллион еврога тенг лойиҳа асосида маҳаллий банк томонидан Германия молия муассасасининг кредит линиясидан ажратилган 12,9 миллион евро миқдоридаги маблағ ҳисобига Голландиядан автоматик ультра иқлим бошқарув тизимига эга бешинчи авлод иссиқхона комплекси келтирилиб, ўрнатилди.

Лойиҳа ишга тушса, ҳар гектар майдонда 500 тонна маҳсулот етиштириш имкони яратилади. Маҳаллий бозордан ташқари, йилига 3-4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Илғор ва инновацион технология асосида барпо этилаётган иссиқхонада ўсимликларни чанглатиш ҳам табиий усулда — асаларилардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

“Gardens Khorezm” корхонасининг замонавий типдаги иссиқхона хўжалиги ана шундай шароитда иш бошлаш арафасида.

**«Халқ сўзи».**

Қулайлик

# ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР РИВОЖИ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ АСОСИ

*Мамлакатимиз молия тизимида хизмат кўрсатишнинг замонавий бозор механизмлари жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларнинг турлари кенгайиб, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик шароити яратиб берилянти. Бу, айниқса, банклар тармоғида жадал ривожланаётган сегмент, яъни чакана хизматлар йўналишида сезиларли аҳамиятга эга бўлаётир.*

Хусусан, кредитлар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишдаги тўсиқлар олиб ташланиши, микроқарзлар ажратилишининг соддалаштирилиши, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги қулайликлар бунинг яққол далилидир. Молия бозорида қарийб ўттиз йиллик тажрибага эга “Туронбанк” АТБ бу борада фаол, энг асосийси, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ ўрганган ҳолда иш олиб боряпти.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган “Чакана банк хизматларининг молия муассасалари тизимидаги ўрни” мавзуидаги семинарда ҳам бу алоҳида эътироф этилди. Унда банкнинг республика миқёсидаги барча филиалида пул муомаласи ва чакана хизматлар бўлими ҳамда касса амалиётлари бўйича иш олиб бораётган икки юздан зиёд ходимлари иштирок этди. Асосий мақсад эса фаолиятни сарҳисоб қилиб, чакана банк хизматлари кўрсатиш бозоридаги янги “ноу-хау”ларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мутахассислари “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш борасидаги янгиликлар” мавзуи билан бошлаб беришди. Шунингдек, кун давомида “Чакана амалиётлар кассалари томонидан аҳолига универсал касса хизматларини кўрсатиш ҳамда бунда операцияларни амалга ошириш тартиби”, “Туронбанк” тизимида халқаро пластик карточкалар тизимида амалга оширилаётган ишлар”, “Миллий пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни ривожлантириш”, “Халқаро пул ўтказмалари тизимларида операция бажариш ва уларни автоматлаштириш”, “Онлайн омонатларга пул маблағларини кирим қилиш тартиби” сингари қатор масалаларда муҳокамалар олиб борилди.

Шуни таъкидлаш кераки, бугунги кунда “Туронбанк” АТБнинг 20 та филиали, 37 та минибанки, 7 та банк хизматлари маркази, 23 та валюта айирбошлаш ва 35 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ҳамда 29 та коммунал ва махсус касса орқали юридик ҳамда жисмоний шахсларга кенг кўламли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Жумладан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ва пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш борасида қатор амалий чоралар кўрилиши натижасида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 552 650 донани ташкил этди (шундан, 18 276 та “Humo” пластик карточкалари).

Бундан ташқари, банк томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида жами 9,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари конверсия орқали ҳамда 1,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар тўғридан-тўғри хорижий валютадаги пластик карталарга кирим қилинган.

«Туронбанк» АТБ инновацион хизмат турларидан фойдаланган ҳолда ўз-ўзига хизмат кўрсатишни янада оммалаштириш мақсадида республиканинг барча ҳудудида 24/7 ёки 365 тизимида фаолият юритувчи “Автоматлаштирилган тўлов марказ”ларини жорий этган. Уларда 63 та миллий валютада, 28 та хорижий валютада ва 33 та “Humo”карталарига хизмат кўрсатувчи банкомат ҳамда 207 та ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиоск ўрнатилди.

Молия муассасаси масофадан хизмат кўрсатиш хизматларини ҳам ривожлантирмоқда. Масалан, “MyTuron” мобил иловаси орқали коммунал ва бюджет тўловларини тўлаш, онлайн тарзда пул маблағларини муддатли омонатларга ўтказиш, онлайн конверсия амалиётларини амалга ошириш каби хизматларни бажариш мумкин. Йил бошидан мобил илова орқали банк мижозларига 9 млн. 537,8 минг АҚШ доллари сотилди.

Семинар давомида иштирокчилар эришилган ютуқлар билан бирга, фаолиятга жорий қилиниши лозим бўлган янгиликлар ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашишди. Қизғин баҳс-мунозаралар ўтказилиб, янги ташаббуслар илгари сурилди.

Унинг якунлари бўйича “Туронбанк” АТБнинг республика миқёсидаги барча филиалида мазкур йўналишда фаол иш олиб бораётган ходимлари “Энг кўп мижозга хизмат кўрсатган ходим”, “Халқаро пул ўтказмалари бўйича энг намунали ходим”, “Касса ичида самарали меҳнат фаолияти учун”, “Тўлов тизимларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” каби ўндан ортиқ номинациялар бўйича тақдирланди.

Умуман, мижозлар эҳтиёжларига мос хизматлар кўламини кенгайтириб бориш “Туронбанк” АТБнинг чакана хизматлари ривожланишининг асосий мезонига айланган.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

# ДАРОМАДЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚ

## ЁХУД ҚУЁНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ҚАНДАЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИНМОҚДА?

*Қуён боқиш хусусида гап кетганда, дарров, ўша барчамиз севиб томоша қиладиган “Ажойиб хаёлпараст” бадиий фильми воқеалари кўз олдимизда гавдаланади. Фильм бош қаҳрамонининг асл касби шифокор бўлса-да, қуён боқади. Ана шу юмуш ортидан хаёлан катта орзуларга эришади, бойиб кетади. Албатта, бу кино. Қаҳрамоннинг орзулари ҳам фақат тасаввурда. Лекин амалда ҳам у сердаромад тармоқ бўла оладими? Яъни хаёлий орзуларни ҳаётий ҳақиқатга айлантириш мумкинми? Қуённинг фойдали томонлари нимада намоён бўлади? Қуйида шулар хусусида фикр юритамиз.*

Молия муассасаларида

### Турган-битгани фойда

Аслида, қайд этганимиздек, аксариятимиз қуён ва қуёнчилик, деганда унинг гўштию мўйнасини тушунамиз, холос. Аслида ундай эмас. Чунки узунқулоқ жониворнинг биз билмайдиган жиҳатлари талайгина. Масалан, қуён гўшти парҳезбоплиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис у инсон саломатлигига, айниқса, болалар ва кекса ёшли кишилар учун ниҳоятда фойдали. Маълумотларга кўра, ҳатто қуён қонидан тайёрланган зардобни тиббиёт йўналишида ишлатиш мумкин экан. Бир килограмм мия кукуни эса жаҳон бозорида 30 минг долларгача баҳоланаркан.

Шу билан бирга, унинг чиқиндиси ҳам деҳқончиликда яхши самара беради. Бугунги кунда дунё миқёсида қуёнчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда, аслида.

— Мисол учун, Хитой, Италия каби давлатларда қуёнчилик анча тараққий этган ва улар бу борада катта тажрибага эга, — дейди Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси бошқаруви раиси Абдураззоқ Ибрагимов. — Хусусан, Италияда ресурслар чекланганига қарамай, бир йилда 300 минг тонна қуён гўшти етиштирилади.

Умуман олганда, ҳозирги кунда қуёнчиликка дунё мамлакатларида катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, аввало, қуён гўштига талаб йилига камида 25 фоиз ўсиб боряпти. Бунинг асосий сабаби эса унинг экологик жиҳатдан тозалиги ва парҳезбоплигидир.

Халқаро стандартларга кўра, инсон соғлом бўлишни истаса, бир йилда 90 килограммгача гўшт истеъмол қилиши, шунинг камида 5 фоизи қуён гўшти бўлиши керак. Келинг, шу ўринда ушбу жониворнинг қанчалик фойда беришини қуйидаги оддий мисол орқали таҳлил қилиб кўрсак. Айтайлик, битта она қуён бир йилда табиий шароитда 4 марта, ҳар сафар камида 6 — 8 тадан болалайди. Яна бир томони, йил бошида туғилган қуёнчалар йил охирига келиб, ўзлари ҳам болалайди. Хуллас, шу вақт ичида қуёнлар сони қарийб 140 тадан ортиб, 300 килограммгача гўшт олиш имконияти вужудга келади. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг, битта қуён бир хонадонга қанчалик фойда келтиради? Бунда, албатта, қуён гўшти ички бозоримизда ўртача 35 — 40 минг сўм, жаҳон бозорида эса 5-6 доллар туришини, унинг мўйнасига талаб ҳам кам эмаслигини ва бошқа фойдали жиҳатларини инобатга олинг.

Очиғи, ҳозирча республикамизда мазкур тармоқни яхши ривожланган, қуёнчилик саноат даражасига чиққан, дея олмаймиз. Аввало, қуёнчиликнинг ҳадисини олган тадбиркорлар унчалик кўп эмас. Аҳолида ҳам бу борада етарлича ахборот йўқ. Демак, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш зарур. Қуёнчилик саноатлашган даражада бўлиши лозим. Яъни боқувчига харидор нақд бўлсин. Шунингдек, унинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масала. Қисқаси, қилинадиган ишлар кўп. Ўйлаймизки, ҳозир юртимизда бу борадаги ишларга жиддий киришилиб, муайян натижаларга ҳам эришилаётгани масалаларга тез орада ечимини топишда ёрдам беради.

### «Микрокредитбанк» — ишончли ҳамкор

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги Қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш тўғрисидаги мажлиси баёнига мувофиқ, мамлакатимизда қуёнчиликни ривожлантиришга “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки масъул этиб бириктирилган ва ўтган вақт мобайнида молия муассасаси томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, республика бўйича қуёнчиликка ихтисослаштирилган **122 та** агрофирма ташкил қилинди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун **62,4 миллиард сўм** кредит ажратилди.

*Очиғи, ҳозирча республикамизда мазкур тармоқни яхши ривожланган, қуёнчилик саноат даражасига чиққан, дея олмаймиз. Аввало, қуёнчиликнинг ҳадисини олган тадбиркорлар унчалик кўп эмас. Аҳолида ҳам бу борада етарлича ахборот йўқ. Демак, тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш зарур. Қуёнчилик саноатлашган даражада бўлиши лозим. Яъни боқувчига харидор нақд бўлсин. Шунингдек, унинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масала. Қисқаси, қилинадиган ишлар кўп.*

Наслли қуёнларни кўпайтириш мақсадида 2017 йилда Италиядан 1500 бош “Янги Зеландия”, Испаниядан 400 бош “Домашний кролик” зотли қуёнлар келтирилган бўлса, 2018 йилда Беларусь Республикасидан 1 100 бош “Хиплюс” зотли қуёнлар харид қилинди. Жорий йилнинг июль ойида эса Россиядан “Хиколь” зотли 1000 бош, сентябрь ойида Италиядан “Parent” зотли 570 бош қуёнлар келтирилиб, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги қуёнчилик хўжаликларига етказиб берилди.

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги “Lepus Agro Service” масъулияти чекланган жамиятига бундан икки йил олдин “Микрокредитбанк” томонидан қуёнчиликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредит ажратилган эди. Натижада агрофирма ҳудудида қуён боқиш учун барча шароит яратилди. Самара эса аъло даражада: Беларусь Республикасидан олиб келинган 1 100 бош қуён бир йилда беш баробар кўпайди. Унинг бир қисми аҳоли ва тадбиркорларга тарқатилган бўлса, қолгани гўшт сифатида сотилди. Айни пайтда эса агрофирмада 3 000 бошга яқин қуёнлар парвариш қилинмоқда.

Қуёнчиликда салмоқли ютуққа эришиб келаётганлардан яна бири — “Сирдарё момиқ қуёнлари” фермер хўжалиги фаолияти ҳам ёмон эмас. Гап шундаки, мазкур хўжалик икки йил олдин банк кредити асосида Италиядан “Янги Зеландия” зотли 114 бош қуён харид қилган эди. Жамоанинг саъй-ҳаракати билан ушбу зотдор қуёнлар тез кўпайди. 2 000 бош қуён аҳоли ва тадбиркорларга етказиб берилган бўлса, 3 тоннадан ортиқ қуён гўшти етиштирилди.

Бундан ташқари, шу давлатдан жорий йилнинг сентябрь ойида қуёнлар зотини янгилаш мақсадида 100 бошга яқин наслли “Parent” қуёнлари олиб келиниб, парваришланмоқда.

“Микрокредитбанк” томонидан қуёнчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар босқичма-босқич молиялаштириб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида қуёнчиликка ихтисослаштирилган агрокомплексни қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур агрокомплекс йилига 50 минг бош наслли она қуён ва 3 минг тонна қуён гўшти етиштириш қувватига эга бўлади. 50 кишининг бандлиги таъминланади.



Умуман олганда, бу каби юмушлар туфайли республика бўйича қуёнчилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида парваришланаётган қуёнлар бош сони **507 мингга** етказилди. Шундан биргина 2019 йилнинг ўзида **35,5 минг бош** қуён гўштга топширилиши эвазига **64,4 тонна** парҳез гўшт етиштирилди, **79,4 минг бош** қуён эса тармоқни янада ривожлантириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларга сотилди. Ҳозирги кунда республикада кўпайтириш учун **56,3 минг бош** қуён мавжуд.

### Янги марказ — янги имконият

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижроси билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятига қилган сафаридан бирида Қуёнчилик илмий генетик маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 2 августида Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада қуёнчилик соҳасидаги илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидаги Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида Қуёнчилик селекцияси ва генетика маркази ташкил этилди.

Қуёнчилик соҳасида селекция-наслчилик ишларини такомиллаштириш, тармоққа инновацион технологиялар ва илғор конструкторлик намуналарини жорий этиш, генетик тадқиқотлар ўтказиш каби ишлар билан шуғулланувчи ушбу марказнинг харажатлари эса икки йил давомида “Микрокредитбанк” томонидан қопланади.

Реклама ўрнида

### Ташаббус кўрсатинг, молиявий томонидан хавотир олманг...

Умуман, “Микрокредитбанк” томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, ўтган йили банк ёрдами билан бир қатор агрофирма раҳбарлари ҳамда фермерлар Италияда бўлиб ўтган Қишлоқ хўжалиги ва зоотехника бўйича халқаро ярмаркада иштирок этиб, Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси раҳбарияти билан учрашди.

Унда қуён гўшти ишлаб чиқаришнинг тизимли шаклини янада ривожлантириш, гўшт ва мўйначиликка мослаштирилган зотдор қуёнлар боқиш, гўшт ва терини қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш ҳамда экспорт қилишнинг яхлит тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳамкорликнинг давоми сифатида Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси мутасаддилари Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Ташриф доирасида Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси ва “Микрокредитбанк” АТБ ўртасида меморандум имзоланди. Бухоро шаҳрида республикамиздаги қуёнчиликка ихтисослаштирилган агрофирмалар раҳбарлари учун қуёнчиликни саноат усулида ривожлантириш бўйича семинар ташкил этилди. Бундай тадбирлар мунтазамлик касб этаётгани диққатга сазовор. Хусусан, жорий йилда республикамиздаги қуёнчилик агрофирмалари вакиллари Италия наслчилик ассоциацияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Мазкур ташрифда Италия наслчилик ассоциацияси ҳамда “Микрокредитбанк” АТБ ўртасида меморандум имзоландики, бу орқали селекция ишларида ҳамкорлик қилинади.

Зотан, қуёнчилик тадбиркорга ҳам, аҳолига ҳам бирдек манфаат келтирадиган тармоқдир. Гўшти ва териси харидоргир, боқиш осон, камхаражат. “Микрокредитбанк” ушбу сердаромад соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўраверади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОНЛАР

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» акциядорлик тижорат банки 2020 йил учун маҳаллий ва чет эл даврий нашрларига обуна бўлиш ҳамда етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.

*Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Тел.: 71-150-79-28, 71-150-93-39.*

*Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари (алоҳида конвертда муҳрланган бўлиши лозим) эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.*

**Хизматлар лицензияланган.**

939R/568

FIE INTERNATIONAL FENCING FEDERATION

FFU

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР

Марказий Осиё Қиличбозлик конфедерацияси ташаббуси билан Тошкентда

«ОСИЁ ҚИТЪАСИДА ҚИЛИЧБОЗЛИКНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ»

мавзуида халқаро конференция ўтказилади.

Халқаро анжуманнинг очилиши 2019 йил 17 ноябрь куни соат 10.00 да «International» меҳмонхонаси мажлислар залида бўлиб ўтади.

938R/

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.05 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6